

SADRIDDIN AYNIYNING MATBUOTCHILIK FAOLIYATIDA TUTGAN O‘RNI**Islamova Komila Payzullayevna***Samarqand davlat chet tillar instituti mustaqil tadqiqotchisi*

Annotatsiya: *Ushbu maqolada Sadriddin Ayniyning matbuotchilik faoliyatida tutgan o‘rni borasida olib borilgan tadqiqotlar natijalari tahlil qilingan. Bunda Sadriddin Ayniyning xalq dunyoqarashini yangicha g‘oyalar bilan o‘zgartiruvchi asosiy kuch sifatida matbuot vositasi ko‘rsatiladi.*

Kalit so‘zlar: *Matbuot, jadidchilik harakati, “Shu‘lail inqilob” (“Inqilob shulasi”), “Bolalar i‘ldoshi”, “Ta‘eq” jurnalлари va “Me‘natkaشلar tovuши”, “Zarafshon”, “Xurriyat” gazetaları.*

Dunyo davlatlarida matbuot tarqiboti kuchayib borayotgan bir davrda, mintaqamizda ham mahalliy matbuotga asos solish harakatiga киришилди. Sadriddin Ayniy nafoqat Buxoroyi sharifda, qolaversa, Turkiston mintaqasida chop etilgan bosha matbuot organlarida ham maqolalari bilan ishtirok etdi. Turkiston jadidchilik harakatining fojiviy rahnamosi va otasi sifatida nom qozongan Maхmudхўжа Beхбудий (1875-1919 й.) asos solgan “Oйна” журнаlining ilk sони 1913 йил 20 avgustda Samarqandda chop etildi. Unda Abdurauf Fitrat, Sиддикий Ajзий, Xoji Muyn Shukrullo, Akobir Shomansur, Muхammad Sa‘ид, Saидризо Ализода, Saидахмад Васлий Самарқандий, Tавалло, Sadриддин Айний, Хақим Бухорий, Ниёзий Ражабзодалар қатнашган. “Oйна” журнали Turkiston matбуоти тарихига юрт озодлиги ва ободлиги учун курашган нашр сифатида кирди” - деб ёзади matбуот тарихи билимдони олима Н.Абдуазизова¹³³.

“Oйна” журнали 1913 йил 2 avgustidan, 1915 йилнинг октябрига қадар чиқиб, 68 та сони дунё юзини кўрди. Бу мажмуа турки (ўзбек) ва форсий (тожик) тилида Махмудхўжа Beхбудий Самарқандий масъуллигида Самарқандда нашр бўларди”¹³⁴. Beхбудийнинг ташаббуси ва раҳбарлигида чиққан “Oйна” журналида С.Айний турли мавзудаги мақола ва шеърлари билан қатнашиб турди. Жумладан ушбу журналда Sadриддин Айнийнинг “Нидо ба жавонон” (“Ёшларга мурожаат”), “Хар бир миллат ўз тили ила фахр этар” “Мозий ва ҳол”, “Хасрат”, “На ўлди ё раб”, “Марсия ба Мирзо

¹³³ Абдуазизова Н. Ўзбек журналистикаси тарихи. - Тошкент: Академия, 2002. - Б. 11.

¹³⁴ Айний С. Намунаи адабиёти тожик / Куллиёт. Чилди 16. - Душанбе: 2010. С. 325.

Сирожиддин Ҳақими Бухорой¹³⁵ каби айрим шеър ва мақолалари чоп этилган.

1917 йил апрель воқеаларидан кейин С.Айний ижодида янги босқич бошланди, дейиш мумкин. Адиб Бухородан Самарқанд шахрига кўчиб ўтди. Бу ерда олим Туркистон жадидларининг йўлбошчиси Махмудхўжа Бехбудий, шунингдек, Саидризо Ализода, Сиддикий Ажзий, Саидахмад Васлий, Абдуқодир Шакурий каби ўз даврининг таниқли маърифатпарлари ва зиёлилари билан яқиндан танишиб, уларнинг ҳаммаслагига айланди. У Самарқанднинг машхур ва биринчи педагогларидан Абдуқодир Шакурий ва Раҳматулла Исматуллаевларнинг хонадоида яшайди, кейинроқ дўстлари уни жадид Вадуд Махмуднинг синглизига уйлантиришади.

1918-1920 йилларда Самарқандда у, асосан, таълим билан машғул бўлди. Шунингдек, у “инқилоб”ни мадҳ этувчи ва эски тузумни танқид остига олувчи бадиий - тарихий публицистик мақолалар ва шеърлар ёзишга зўр беради. Уларнинг аксарияти Самарқандда чиқадиган “Шуълаи инқилоб” (“Инқилоб шуласи”), “Болалар йўлдоши”, “Таёқ” журналлари ва “Меҳнаткашлар товуши”, “Зарафшон”, “Хуррият” газеталарида¹³⁶ чоп этилади. “Бу ҳақда С.Айнийнинг ўзи шундай ёзади: “Самарқандда тожик тилида “Шуълаи инқилоб” журнали ва “Меҳнаткашлар товуши” номидаги ўзбек тилида газета нашр бўларди. Мен буларнинг иккаласига ҳам хизмат қилардим. Ўша вақтларда маҳаллий кадрлар етишмас, озчиликни ташкил қилар эди, шунинг учун ҳам мен бу журнал ва газетанинг кўп қисмини турли имзолар билан мақолалар ёзиб тўлдираар эдим. Икки тилда шеър ёзардим, икки тилда мақолалар ёзардим”¹³⁷.

1919-1920 ўқув йилида С.Айний ўқитувчи кадрларнинг етишмаслиги учун Самарқанд маориф бўлимида маориф ишларига масъул бўлди. Бу вақтда шаҳардаги

135 Айний С. Нидо ба жавонон // Ойна. 1913, № 3; Унинг ўзи: Ҳар бир миллат ўз тили ила фахр этар. 1913, № 3; Унинг ўзи: Мозий ва ҳол; 1913, № 3. - Б. 79; Унинг ўзи: Ҳасрат. 1913, № 5; Унинг ўзи: На ўлди ё раб. 1913. № 7; Унинг ўзи: Марсия ба Мирзо Сирожиддин Ҳақими Бухорой. 1914, № 14. - Б. 241.

136 Айний С. Мусулмон мактаблари ва программа // Меҳнаткашлар товуши. 1919 йил, 24 декабрь; Тошкент хотиралари // Меҳнаткашлар товуши. 1919 йил, 14-20 сентябрь; Зиёи илм // Меҳнаткашлар товуши. 1919 йил, № 127, 28 декабрь; Самарқанд хабарлари // Меҳнаткашлар товуши. 1919 йил, 1-2 октябрь; Ахмад Махдум // Меҳнаткашлар товуши. 1920, 10 ноябрь; Мусибати Махмудхўжа Бехбудий ва рафиконаш. 1920 йил, № 35, 5 апрель. Махмудхўжа ҳазратларининг қисқача таржимаи ҳоли // Меҳнаткашлар товуши. 1920 йил, 8 апрель. Имзо: “Бухородан бир киши”. Бухородаги инқилобий ҳаракатининг қисқача тарихи // Меҳнаткашлар товуши. 1920, 18 ноябрь. Мухаррирлар диққатига // Меҳнаткашлар товуши. 1920 йил, 9 июль; Бир эшоннинг оқибати // Меҳнаткашлар товуши. 1921, 6 январь; Ёш болалар келаси дунёнинг катта кимсаларидурлар // Меҳнаткашлар товуши. 1921, 21 февраль; Идорага мактуб // Меҳнаткашлар товуши. 1921, 8 февраль; Нуқсонларимиз // Меҳнаткашлар товуши. 1920 йил, 5 июнь; Самарқанд хабарлари // Меҳнаткашлар товуши. 1920 йил, 1-11 октябрь; Муфти Махмудхўжа Бехбудий ва рафиқларининг олинди ўчлари // Меҳнаткашлар товуши. 1920 йил, № 152, 8 апрель; Оталарга // Меҳнаткашлар товуши. 1920 йил, 20 март; Унинг ўзи: Хориждаги талабаларимиз қандай ахволда // Зарафшон. 1923, 6 декабрь; Зарафшон газетаси бир яшар бўлди. // Зарафшон. 1923 йил, 28 октябрь; Айрилиш // Зарафшон. 1925 йил, 3 апрель. Севиш // Зарафшон. 1925 йил, 27 март; Таскир // Хуррият. 1917 йил, № 1. - Б. 2.

137 Айний С. Мухтасар таржимаи ҳоли худам / Куллиёт. 16-чиқд. Чилди - 1. - Сталинобод, 1958. - Саҳ. 91.

учта мактабда инструктор бўлиб ишлайди¹³⁸. “Ҳар куни навбатма-навбат мен бу мактаблардан бирига бориб бир-икки соат консультант сифатида ишлар эдим”¹³⁹ - деб ёзади. У Самарқандда шаҳар маориф бўлимида ишлаш асносида янги ташкил этилган мактабларга мўлжаллаб алифбе китоби “Соли нахустин” (“Биринчи йил”)ни ёзган. “Мактаб нима” шеъри ҳам С.Айнийнинг 20-йиллардаги фаолияти маҳсулидир. Бу шеърда жамият ва шахс тараққиётида мактабнинг роли юқори эканлиги баён этилади:

Мактабда ўқимаган кишига ҳаёт йўқ

Мактаб - бу сув, мактаб бу нон¹⁴⁰ - каби мисралар мавжуд шеър матнида.

Ўзбек миллий зиёлиларидан Ҳожи Муин Шукрулло (1883-1942 й) ўз даврида С.Айнийнинг Самарқандда миллий матбуотчиликни ривожлантириш йўлида кўрсатган хизматларини алоҳида қайд этиб, “Меҳнаткашлар товуши”¹⁴¹ газетасида шундай ёзади: “1918 йилда (11 июнда) шўро ҳукумати томонидан “Меҳнаткашлар ўқи” отлик газета чиқарилди. Бунинг масъул муҳаррирлигига Ҳожи Муин, таҳрир хайъатига Иффат хоним (Зоҳида Бурнашева) билан марҳум Шокир Мухторий тайин этилдилар. Бу газетанинг 5нчи сониди оти ўзгартирилиб “Меҳнаткашлар товуши” қўйилди. Газета 5002000 нусха орасида босилиб тарқалар эди. Бу газетанинг таржима ва таҳрир ишларида бир муддат Саидризо Ализода, Муҳаммадҷон Юсуфий, қори Муҳаммадраҳим Тожи, Садриддин Айний афандилар хидмат этдилар. Буларнинг ичида биринчи даражада узун муддат ишлаган киши шубҳасиз Айний афанди эди”¹⁴².

Ҳожи Муин ўз фикрларини давом эттириб: “Ва газетанинг масъул муҳаррирлиги сўнгги йилларда турлук кишилар қўлига ўтса ҳам, лекин ул маънавий жиҳатдан юксала олмади. Охири, 22-нчи йил ўрталарида 304-нчи сониди тўқталди. Туркистонда шўро ҳукумати томонидан бошлаб чиқарилгон ва узун муддат яшагон газета шудир”¹⁴³. Демак, Садриддин Айний энг узоқ давр чоп бўлган шўро газетасида фаолият кўрсатган матбаачи сифатида танилади.

“Шуълаи инқилоб” ҳафталик мажмуа (журнал) нашри 1919 йил 10 апрелдан бошлаб,

¹³⁸ 1920 - 1930 йилларда давомида Айнийнинг мактабларда ўқитувчилик фаолияти, мактаб ўқувчилари учун ёзган айрим мақолалари, фан дастурлари ва шеърлари ҳақида қаранг: Айний С. Мактаб чист. Саидризо Ализода. Соли нахустин. Баройи мактабхўйи ибтидоий. - Самарқанд: 1924. - Б. 56; Айний С. Инқилоб / Маҳмудй Вадуд. Дастури илмй доир ба забони тожикй. - Самарқанд: 1927. - Б. 96; Ҳожи Муин ва Раҳматуллозода. Роҳбари бесаводон. - Самарқанд: 1928. - Саҳ. 68; Айний С. Ҳасан зад / Маҳмудй Вадуд ва Зехнй. Омузиш. Қисми 3. - Самарқанд: 1928. - Саҳ. 100 -103.

¹³⁹ Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим. / Асарлар. 8 жилджик. 1-жилд. Т: Ўздавнашр, 1963. - Б. 94.

¹⁴⁰ Соли нахустин Баройи мактабхўйи тоҷик. - Самарқанд: 1924.

шўъбасига шарифига. 1919, 121 ноябрь; Мактаб шарқиси. 1920, 11 февраль; Оталарға. 1920, 10 март; Ёшларға. 1921, 27 апрель.

¹⁴² Ҳожи Муин. Танланган асарлар. (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Н.Намозова). - Тошкент: Маънавият, 2005. - Б. 122.

¹⁴³ Ҳожи Муин. Танланган асарлар. - Б. 122-123.

1921 йилнинг декабрь ойига қадар давом этди. Ушбу мажмуанинг масъул муҳаррири Саидризо Ализода бўлиб, Самарқанд вилоят иштирокиюн Кўмитаси журналга муассис эди. Жами унинг 91 сони чоп этилиб, ҳар бир сони 8 саҳифадан иборат эди¹⁴⁴. Бу ҳақда С.Айний шундай ёзади: “Шуълаи инқилоб”¹⁴⁵(“Инқилоб шуъласи”) журналида 23-сонидан (1919 йил, 7 декабрь) менинг мақолаларим бошланади. Олдин “Син Мим” (отамнинг номи “Саидмурод” эди, “Саидмуродзода” унвонидан икки ҳарфи олинган эди) ва гоҳида “Қоф-Син” имзосида, гоҳида “Син-хо”, “Син”, “хо”, “Син-қоф”, “Сод-Айн” ва “Сод-Айнй” имзосида ҳам то журналнинг тўхтаганигача - 91-сонигача (1921 йил, 8 декабрь - Ф.Т) тўлиқ икки йил давом этди. “Қоф-Алиф” имзосида ҳам менинг баъзи мақолаларим чоп бўлган эди¹⁴⁶.

С.Айнийнинг қизи, адабиётшунос олима Холида Айнийнинг ёзишича, 1919 йил 13 июлдан бошлаб икки йилу беш ой ичида “Шуълаи инқилоб” журналида С.Айнийнинг 67 та мақоласи эълон қилинган¹⁴⁷. Адабиётшунос олим А.Маниёзов С.Айнийнинг биргина “Шуълаи инқилоб” журналида турли таҳаллуслар билан 90 га яқин шеър ва мақолалари босилганлигини кўрсатиб ўтади. Шунингдек, Айний “Сарсон”, “Фуртакигўй”, “Толесиз”, “Азғич”, “Таёк”, “Зимғойиб”, “Бузина”, “Баттол”, “Рўздор”¹⁴⁸ каби турли имзо ва таҳаллуслар билан ўша давр матбуот саҳифаларида кўшлаб ҳажвий шеърлари ва мақолалари нашр этилган.

“1919 йилда Самарқандда татарлар мактабининг мудар ва муаллими ўртоқ Хабир Абдуллаевнинг ташаббуси билан маориф идораси томонидан “Болалар йўлдоши”¹⁴⁹ исмида болаларга махсус бир журнал (тошбосмада) чиқарилиб, бу журналнинг бор-йўғи 3нчи сони босилди. Бу мажмуанинг муҳаррири Хабир, масъул мудир Абдурашид Абдужаббор ўғли эдилар. Бунинг таҳрир хайъатида С.Айний афанди ҳам бор эди. Самарқандда биринчи маротаба болаларга таъсис этилиб, чиқарилгон мажмуа шу эди”¹⁵⁰.

“Қутилиш” газетаси Бухоро иштирокиюн фирқаси маркази томонидан Бухоро инқилобидан олдин Тошкентда нашр бўлган эди. “Қутилиш” (1920) 28 июндан 1920 йилнинг 13-августига қадар 11 та сони чиқиб, Бухоро инқилоби учун яхшигина хизмат

¹⁴⁴Айний С. Намунаи адабиёти точик. / Куллиёт. Чилди 16. - Душанбе: 2010. Саҳ. 337.

¹⁴⁵Айний С. Намунаи адабиёти точик. - Москва: Чопхонаи нашриёти марказии халқии Жамоҳири шўравии Сўсиёлисий, 1926.

¹⁴⁶Айний С. Акнун навбати қалам аст. (Осори баргузида дар ду чилд). - Душанбе: Ирфон, 1977. - Саҳ. 449.

¹⁴⁷Холида Айни. Жизнь Садриддин Айни. - Душанбе: 1982. - С. 63.

¹⁴⁸Ҳасанов М. Айний чамани. - Тошкент: Фафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. - Б. 169.

¹⁴⁹Айний С. Амир Темур бинолариндан Бибиҳоним харобаси ила мусоҳаба // Болалар йўлдоши. 1919, № 2-3, 23 май. - Б. 3.

¹⁵⁰Ҳожи Муин. Танланган асарлар. (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Н.Намозова). - Тошкент: Маънавият, 2005. - Б. 124

этди. “Қутилиш” газетаси ўзбек тилида нашр бўлар эди. Бунда, асосан, ўзбек тилидаги инқилобий шеърлар, мақолалар билан бирга баъзан форсий (тожик) тилида ҳам инқилобчилар унда қатнашар эдилар”¹⁵¹ - деб ёзади адиб. Шунингдек, муаллиф ўз китобида “Қутилиш” газетасида Ёш бухороликларнинг фаол аъзоларидан бўлган

Аҳмаджон-махдум Ҳамдий Абусаидзода Бухорийнинг “Мазлум” тахаллусида “Бухоро фуқароларига хитоб”, Мирзо Абдулвоҳид Бурҳонзода Бухорий (Мунзим), унинг “Қачонгача”, Абдурауф Фитрат ва Мирзо Мухсин Аккоси Бухорийлар томонидан эълон қилинган инқилобий шеърларидан мисоллар келтириб ўтади^{152 153}.

“Инқилоб” Туркистон коммунистик фирқасининг марказий комитети томонидан ойда икки марта чиқадиган сиёсий-иқтисодий ва адабий ўзбекча журнал бўлиб, 1922-1924 йиллар мобайнида Тошкентда нашр этилган. Журналга ўша вақтда “Инқилоб” номи ҳам тасодифан берилган эмас, ҳақиқий инқилоб, яъни тўнгариш маъносида англаш зарур. Журнал ишини йўлга қўйиш, шунингдек, таҳририят ишига тажрибали матбаачи ва журналистлар, ёш қаламкашлар жалб этилади. Нашр атрофига аста-секин Ўрта Осиёда яшовчи халқларнинг кўзга кўринган зиёлилари тўплана боради ва таҳририят ишида фаол қатнаша бошлайдилар. “Бухородан Садриддин

Айний, шоир Фитрат ва бошқалар эндигина ташкил этилган журнал редакцияси келиб туришарди, - деб эслайди. “Инқилоб”нинг дастлабки сонларини чиқаришда иштирок этган татар журналисти Шариф Бойчурадир.

С.Айнийнинг “Бухоро жаллодлари” ҳикояси 1922 йилда “Инқилоб” журналида қисқартирилган ҳолда (араб алифбосида, ўзбек тилида) босилган еди. “Инқилоб” таҳририяти ўзбек зиёлиларининг энг яхши намояндаларини ҳамкорликка жалб қилган эди. Булар орасида ўзбек адабиёти ва матбаачилиги тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган А.Қодирий, С.Айний, А.Авлоний каби бадиий сўз усталари бор¹⁵⁴. “Инқилоб”нинг 1922 йилги 3-4 сонларида С.Айний “Бухоро жаллодларининг ўзаро мусоҳабалари” номли мақоласини эълон қилади¹⁵⁵. Мазкур асарларнинг босилиши ўзбек адабиёти ва матбуотида миллий руҳни кучайтиради.

1921-1923 йилларда С.Айний Бухоро Халқ Совет Республикасининг Самарқанддаги консулхонасига маслаҳатчи сифатида ишлади¹⁵⁶. Бу ерда у матбуотчилик ва адабий ижодиёт билан шуғулланишни давом эттирди. Бу йиллар мобайнида олим матбуот саҳифаларида собиқ амир ҳукуматини танқид тиғи остига олинган бир қатор

¹⁵¹ Айний С. Намунаи адабиёти тоҷик / Қуллийёт. Чилди 16. - Душанбе: 2010. - Саҳ, 337.

¹⁵² Айний С. Намунаи адабиёти тоҷик. - Саҳ, 337.

¹⁵³ Айний С. Қулбобо ёки икки озод қул // Инқилоб, 1922 й, № 3.

¹⁵⁴ Абдуазизова Н. Ўзбек журналистикаси тарихи. - Тошкент: Академия, 2002. - Б. 31.

¹⁵⁵ Айний С. Бухоро жаллодларининг суҳбатлари // Инқилоб. (Тошкент) 1922, № 3 - 8.

¹⁵⁶ Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим / Асарлар. 8 жилдлик. 1-жилд. - Б. 99.

мақолалари билан Самарқанд матбуотида қатнаша бошлайди. Шунингдек, у нашриёт ва таҳрир ишларида фаол иштирок этиб, ўзининг инқилобий руҳдаги шеърларини, алоҳида мустақил йирик асарлар ҳам яратади, китоб шаклида БХСР Маориф нозирлиги ҳисобидан нашр эттирди¹⁵⁷.

1923 йилда БХСРнинг Самарқанддаги консулхонаси ёпилгач, С.Айний ўша йилнинг охирида Самарқанддаги Бухгосторг (Бухоро савдо уйи, ташкилоти)га мудир қилиб тайинланади. С.Айний бу вазифада ишлашни рад қилади. “Лекин Бухоронинг савдо ишлари бошлиғи одам топилишига қадар вақтинча ишлаб туришга кўндирди. Бирок, бу “вақтинча” иш ва менинг мудирлик номим 1924 йилнинг бошидан 1925 йилнинг бошига қадар давом этди”¹⁵⁸, - деб ёзган эди олим. “Ўрта Осиё республикалари миллий чегараланишдан кейин Самарқанд Бухгосторги идораси Ўзбекистон ҳукумати ихтиёрига ўтди ва мени яна мудир қилиб тайинлашди. Аммо мен Самарқанд вилоят Комитетига ариза бериб, бу ишдан озод бўлдим ва тамомига адабий ишга берилиб кетдим”¹⁵⁹.

БХСР ҳукумати ёзувчи С.Айнийнинг ижодий юксалишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қуватлади. Шахсан, Ф.Хўжаевнинг раҳбарлигида 1923 йил 13 сентябрида С.Айний ҳақида қуйидаги қарор қабул қилинади. “Ўртоқ Айнийнинг революцион ҳаракатдаги хизматларини ва Бухоро меҳнаткаш оммасининг фойдаси учун узоқ йиллик фаолиятини ҳисобга олиб, Бухоро МИК фракциясига унга қўшимчаси билан 17- разряд ставкаси миқдорида шахсий пенсия белгилаш таклиф этилсин. Секретариатга ўртоқ Айнийга хат билан мурожаат қилиш топширилсин, бундан кейин ундан ўзини фақат адабий фаолиятга бағишлаш сўралсин”¹⁶⁰.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, С.Айний матбуотчилик ва мураббийлик фаолиятида самарали ишлаб Туркистонда миллий матбуотчилик, публицистикани ривожлантириш, маҳаллий халқни саводли қилиб тарбиялашда ва ижтимоий-сиёсий онгини ўстиришда миллий матбуот қудратли куч эканлигини билиб, унинг тараққий эттиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Бинобарин, улуғ адиб таълимни *isloh* қилишга нафақат амалий фаолият билан ҳисса қўшди, балки мактаблар учун дарсликлар ёзди. Ахлоқий- таълимий характердаги бу дарсликлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

¹⁵⁷ Айний С. Мажмуаи ашъори инқилобий форсий (точикӣ). Бухоро халқ маориф назорати, 1923. 32. Саҳ.

¹⁵⁸ Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим / Асарлар. 8 жилдлик. 1-ж. - Тошкент: Ўздавнашр, 1963. - Б. 100.

¹⁵⁹ Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим / Асарлар. 8 жилдлик. 1-ж. - Б. 101.

¹⁶⁰ Ҳасанов М. Файзулла Хўжаев. - Тошкент: Ўзбекистон, 1990. - Б. 46.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Абдуазизова Н. Ўзбек журналистикаси тарихи. - Тошкент: Академия, 2002. - Б. 11.
2. Айний С. Намунаи адабиёти тожик / Куллиёт. Чилди 16. - Душанбе: 2010. С. 325.
3. Айний С. Нидо ба жавонон // Ойна. 1913, № 3; Унинг ўзи: Ҳар бир миллат ўз тили ила фахр этар. 1913, № 3; Унинг ўзи: Мозий ва ҳол; 1913, № 3. - Б. 79; Унинг ўзи: Ҳасрат. 1913, № 5; Унинг ўзи: На ўлди ё раб. 1913. № 7; Унинг ўзи: Марсия ба Мирзо Сирожиддин Ҳакими Бухорой. 1914, № 14. - Б. 241.
4. Айний С. Акнун навбати қалам аст. (Осори баргузида дар ду чилд). - Душанбе: Ирфон, 1977. - Саҳ. 449.
5. Айний С. Бухоро жаллодларининг суҳбатлари // Инқилоб. (Тошкент) 1922, № 3 - 8.
6. Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим / Асарлар. 8 жилдлик. 1-жилд. - Б. 99.
7. Айний С. Мажмуаи ашъори инқилобий форсий (точикӣ). Бухоро халқ маориф назорати, 1923. 32. Саҳ.
8. Айний С. Амир Темур бинолариндан Бибихоним харобаси ила мусоҳаба // Болалар йўлдоши. 1919, № 2-3, 23 май. - Б. 3.
9. Ҳожи Муин. Танланган асарлар. (Тўшловчи ва нашрга тайёрловчи Н.Намозова). - Тошкент: Маънавият, 2005. - Б. 122.
10. Ҳасанов М. Айний чамани. - Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. - Б. 169.
11. Холида Айни. Жизнь Садриддин Айни. - Душанбе: 1982. - С. 63.